

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА МАҚОЛЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИ

Навруз Эргашевич Мадалов

Термиз давлат университети
madalovnavruz@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўзбек тилшунослигида паремиологик бирлик ҳисобланган мақолалар тадқиқ этилган бўлиб унда мақолларни лингвистик моҳияти мақолларнинг ёндош ҳодисаларга бўлган муносабати назарий ва амалий мисоллар асосида таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: Парема, мақол, мақолнинг лингвистик моҳияти, мақолларнинг семантикаси тавсифи.

ABSTRACT

The article considered as a paremiological unit in Uzbek linguistics are researched, in which the linguistic essence of proverbs, the relation of proverbs to related phenomena is analyzed based on theoretical and practical examples.

Keywords: Parema, proverb, linguistic essence of proverb, description of semantics of proverbs.

КИРИШ

Халқнинг Ватани, давлати каби яна бир буюк, бирламчи бойлиги бу унинг тилидир. Айнан тил одамлар гуруҳини бир миллат сифатида халқни – халқ, мииллатни – миллат сифатида бириктиради.

Шу боисдан, она тили миллий маданиятнинг ойнаси, уни сақловчи хазина ҳамдир. Ҳар бир халқ яшаётган жойининг табиати, у халқнинг иқтисодий тузуми, оғзаки ижодиёти, бадий адабиёти, санъати, фани, урф-одатини ўзида акс эттириб, тўплаб, авлоддан-авлодга етказиб бериш тилнинг миллий-маданий мундарижасидир. Бу мундарижа тилнинг ҳаракатдаги бирликларида жуда ҳам аниқ намоён бўлади.

Халқ тафаккури дурдонаси ҳисобланмиш мақоллар нафақат халқ ҳаёти, қарашини ифодалаш билан қадри, балки кундалик турмушимизда нутқимизни бойитувчи воситалардан бири ҳамдир.

Мақолларни “ҳаёт қомуси”, халқ оғзаки энциклопедияси, ўзига хос бир бадий-тарихий солнома дейиш мумкин. Улар

инсонлар ақлини ўткирлаштиради, нутқини равшан ва таъсирчан қилади, ҳаётда тўғри йўлни танлай билишга, ҳаётий жумбоқлар ва муаммоларни тўғри ечишга ўргатади, турмушнинг жамики катта-кичик масалалари хусусида қимматли маслаҳатлар беради. Шунингдек, мақоллар ўз ижодкори бўлмиш халқнинг дунёқарашини, маданий, маиший ҳаётини, тафаккур хазинасини жамловчи энг кичик оғзаки ижод намуналари сифатида жуда қадимийдир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

М.Қошғарий XI асрдаёқ туркий халқларнинг ҳикматли ибораларидан жуда катта қисмини ўзининг “Девон”ига киритиб, уларни қандай вазиятда, қайси мазмунда қўлланишини араб тилида изоҳлаган эди. “Девону луғотит турк”да халқ оғзаки ижодига оид 300дан ортиқ шеърини парчалар, 291та мақол ва маталлар келтирилади.

Узоқ йиллардан бери олимлар диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келаётган мақоллар фольклор, этнографиянинг ўрганиш объекти сифатида тадқиқ этилди. Кейинги даврда бу соҳа билан тилшунослик ҳам шуғуллана бошлади. Бу борада Ш.Раҳматуллаев Я.Пинхасов, Ғ.Саломов, Қ.Самадов, Ш.Шораҳмедов, Х.Абдурахмонов, М.Садриддиноваларнинг ишларини эътироф этиш мумкин.

Х.Абдурахмоновнинг докторлик диссертацияси ўзбек тилида мақол ва маталларнинг синтактик қурилиши, мақоллардаги гап ва сўз бирикмаларининг асосий кўринишлари, уларнинг морфологик, синтактик ва баъзи маъновий-услубий хусусиятларини ёритишга қаратилган.

Ўзбек олимаси Б.Жўраева “Ўзбек халқ мақолларининг қисқача синонимик луғати”нинг кириш қисмида шундай дейди: “Халқ тафаккури дурдонаси ҳисобланмиш мақоллар нафақат халқ ҳаёти, қарашини ифодалаш билан қадрли, балки кундалик турмушимизда нутқимизни бойитувчи воситалардан бири ҳамдир”.

Ўзбек олимлари Т.Мирзаев, Б.Саримсоқовлар “Ўзбек халқ мақоллари” номли тўпламида “ҳар бир кишининг нутқида 800 тагача мақол борлигини, бироқ сўралганда 800 та мақолни кетма-кет ёддан айтиб беролмаслигимиз мумкинлигини таъкидлашади. Аммо фаолиятимиз давомида уларни турли муносабатларда нутқимизда кўп қўллашимизни” қайд этишган.

Ўзбек паремиологик фонди бир неча ўн минглаб паремаларни ўз ичига олади. Улар лингвистиканинг паремиология соҳасида тадқиқ этилади. Бу ҳақда тилшунос олим Н.Улуқов “Тилшунослик назарияси” номли ўқув қўлланмасида қуйидагича изоҳлайди:

“паремиология тилшуносликнинг бўлимларидан бири бўлиб, тилдаги барқарор бирикмалар мақол, матал ва афоризмлар (ҳикматли сўзлар)ни ўрганади”.

Таъкидлаш керак, XX асрга келиб паремиологик бирликларни устида лингвистик тадқиқотлар олиб бориш жадаллашди, яъни олимлар паремиологик бирликларнинг тўпламларини яратиш, янги материаллар йиғиш ва уни олдингиси билан солиштириш, паремаларнинг структураси, пайдо бўлиш тарихи, эволюцияси ва уларнинг халқ менталитети билан боғлиқ томонларини ўрганиб бошлашди.

Ўзбек олимлари Т.Мирзаев, Б.Саримсоқовлар томонидан яратилган икки жилддан иборат “Ўзбек халқ мақоллари” (1987 1988) ва инглиз олимлари Wolfgang Mieder (1992), John Simpson and Jennifer Speake (1998) ларнинг тўплам ва луғатлари шулар жумласидандир.

П.Бакировнинг “Номинацентрические пословицы в разносистемных языках (на материале русского, ўзбекского и казахского языков)” номли докторлик диссертациясида қиёсий паремиологиянинг асосий тамойиллари, усуллари ишлаб чиқилган, махсус типдаги паремиологик бирлик сифатида мақол мақомини ўрнатган, бошқа паремиялар орасида мақолнинг ўрни аниқланган, мақолларни қиёсий ўрганиш учун назарий заруриятлар, шунингдек, турли тизимдаги тилларнинг паремиологик бирликларини комплекс таҳлил қилиш таклиф қилинган, рус, ўзбек ва қозоқ тилларидаги номинал марказли мақолларнинг семантикаси тавсифланади, учта тилнинг номинал-марказли мақолларини тематик гуруҳлар бўйича таснифлаш амалга оширилган, кўп тизимли тилларда номинал марказли мақоллар семантикасининг қиёсий характеристикаси берилган. Рус, ўзбек ва қозоқ тилларидаги номинал марказли мақолларнинг тузилиши тавсифланган.

Б.Жўраеванинг “Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланиши” номли диссертациясида эса ўзбек халқ мақолларининг маъновий хусусиятлари атрофлича тадқиқ этилган, мақол ва ибораларни бирлаштириб турувчи ягона белги – уларнинг маъно жиҳатдан идиоматик характерда эканлиги далиллар асосида таҳлил этилган, этимологик жиҳатдан мақол ва ибора орасидаги фарқ очиқ берилган.

П.Назаровнинг “Бакалаврлар тайёрлашнинг қуйи босқичида немис тилини коммуникатив методика асосида ўқитишда мақоллардан фойдаланиш” номли диссертациясида коммуникатив методика тушунчасининг янгича талқини ва мазкур методикани шакллантирувчи омиллар тадқиқи қилинган, қуйи курс талабаларида тили ўрганилаётган мамлакатнинг мақол ва маталларини ўрганиш бўйича

кўникмаларини такомиллаштирилиши ҳамда паремалар асосида талабаларнинг оғзаки нутқини ўстириш учун коммуникатив методикани такомиллаштириш ғоялари илгари сурилган.

М.Темированинг “Ўзбек ва қирғиз халқ мақоллари типологияси” номли диссертациясида ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг яратилиш тарихи ва вужудга келиш омиллари, халқ фалсафий ва бадиий-эстетик қарашларининг шаклланишида ижтимоий-тарихий ва географик муҳит ўрни, шунингдек, ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг структурал, поэтик типологияси масалалари ёритилган, фольклордаги энг кичик жанр тадқиқи орқали ўзбек ва қирғиз мақолларининг генетик муштараклиги, ўзига хослик ва фарқли хусусиятлари асослаб берилган.

Г.Эргашеванинг “Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизм ва паремияларида гендер аспектининг қиёсий-типологик тадқиқи” номли диссертация ишида инглиз ва ўзбек тилларида гендер кўрсаткичли фразеологик бирликлар ҳамда паремияларни қиёсий-типологик, когнитив ва лингвомаданий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Д. Турдалиеванинг “Ўзбек халқ мақолларининг лингвопоетик” номли диссертациясида ўзбек халқ мақолларининг паремиологик тизимдаги хусусиятларини бадиий нутқ сифати нуктаи назаридан баҳолаган ҳолда уларнинг лингвопоетик имкониятлари очиб берилган.

Паремаларнинг тадқиқида О.Уралованинг иши муҳим ўрин тутди. Унинг “Инглиз ва ўзбек тилларида "оила" бош лексемали мақоллар семантикаси ва структураси” номли диссертациясида паремия, мақол, матал, фразеологик бирликларнинг лисоний-маданий мақомига мурожаат қилиниб, инглиз ва ўзбек тилларидаги мақол, матал ва фразеологик бирликларни қиёслаш натижасида уларнинг структур, лексик-грамматик ўхшашлиги ҳамда фарқли томонлари очиб берилиб, чоғиштирма планда “оила” бош лексемали мақолларнинг структур-семантик таснифи, инглиз ва ўзбек тилларидаги “оила” бош лексемали мақоллар қиёсий-чоғиштирма, квалитатив ва тематик таҳлил асосида гуруҳларга тақсимланган, улар маданиятлараро мазмунга кўра турларга ажратилиб, инглиз ва ўзбек тилларидаги “оила” бош лексемали мақолларнинг лисоний-маданий мазмуни структуравий-синтактик хусусиятларнинг қиёсий таҳлили асосида очиб берилган.

З.Р.Нармуратовнинг “Инглиз ва ўзбек тилларида “таълим”, “илм” концептларига оид паремаларнинг лингвомаданий тадқиқи” номли диссертациясида инглиз ва ўзбек тилларидаги *таълим*, *илм* концептли паремиологик бирликларни чоғиштириб

ўрганиш орқали уларнинг лисоний-маданий жиҳатдан ўхшаш ва умумий томонлари тадқиқ этилган. Шу билан бирга, мақол, матал, афоризмларни паремалар сифатида таъкидланган

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган ишлардан кўришиб турибдики, парема ва паремиология муаммолари тилшунослар томонидан имкон қадар тадқиқ қилинган. Аммо паремаларни табиат ҳодисалари билан боғлиқ мақоллар тадқиқ этилмаган.

Бизнинг фикримизча, парема деб умумий ном остида қўлланувчи мақол, матал, афоризмлар тушунчаларини чегаралаш, уларни қиёслаб, чоғиштириб, лингвомаданий жиҳатларини аниқлаш лозим.

REFERENCES

1. Бакиров П. Номинацентрические пословицы в разносистемных языках (на материале русского, узбекского и казахского языков): Дис... докт. филол. наук. – Ташкент, 2007. – 287 с
2. Жураева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланиши: Филол. фанлари номзоди дисс. – Бухоро, 2002. – 136 б.
3. Назаров Б. П. Бакалавр тайёрлашнинг қуйи босқичида немис тилини коммуникатив методика асосида ўқитишда мақоллардан фойдаланиш. Педагогика. фанлари номзоди дисс. – Самарқанд, 2012. – 186 б.
4. Темирова М. Ўзбек ва қирғиз халқ мақоллари типологияси. Филол. фанлари фалсафа д-ри... дис. – Тошкент, 2018. – 166 б.
5. Турдалиева Д.Т. Ўзбек халқ мақолларининг лингвопоэтик хусусиятлари. Филол. фанлари фалсафа д-ри... дисс. – Фарғона, 2018. – 144 б.
6. Уралова О.П. Инглиз ва ўзбек тилларида "оила" бош лексемали мақоллар семантикаси ва структураси. Филол. фанлари фалсафа д-ри... дисс. – Самарқанд, 2021. – 144 б.
7. Эргашева Г. Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизм ва паремияларида гендер аспектининг қиёсий-типологик тадқиқи. Филол. фанлари номзоди дисс. – Тошкент, 2011. – 164 б.
8. Мадалов Наврўз Эргашевич. Мақолларда антонимик муносабатнинг ифодаланиши.
9. Мадалов Наврўз Эргашевич. Баъзи табиат ҳодисаси билан боғлиқ мақолларда шаклий ва маъновий муносабатларнинг ифодаланиши.

10. Мадалов Наврўз Эргашевич. Бақолларда синонимик муносабатнинг ифодаланиши
11. ВАХРИТДИНОВИЧ, R. K. The Approach of Paremiology in Parallel Corpora. JournalNX, 6(05), 216-222.
12. Ruziev, K. V. (2020). Proverbs and corpus linguistics. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук, (6), 64-67.
13. Ruziyev, K. (2021). Paremiological units and their differences. InterConf.
14. Ruziyev, K. (2021). Etymology of the word and term paremia. InterConf.
15. RUZIYEV, X. B., & SIDIKOVA, S. A. K. (2019). Translation problems of proverbs and some special tip for translating from english into uzbek. Наука среди нас, (5), 100-105.

